

У Аллоҳдир



09:45 / 02.04.2019 7486

У Ундан ўзга илоҳ йўқ бўлган Аллоҳдир. У ғайбни ҳам, шаҳодатни ҳам билувчидир. У ўта меҳрибондир, ўта раҳмлидир.

Ушбу оятдан маълум бўладики, эътиқод ва ибодат фақат ягона Аллоҳнинг Ўзига бўлмоғи керак. Барча қалблар фақат Унгагина талпиниши лозим. Аллоҳ таоло шундай Зотки, сиз билан биз билган ва билмаган барча нарсаларни билади. Осмонлару ерда Аллоҳ билмаган нарса йўқ, демак, Унгагина ибодат қилиш керак.

Аллоҳ таолонинг меҳрибонлик ва раҳмлилик сифатлари ҳақида аввал сўз юритганимиз боис, ҳозир такрорлаб ўтирмаймиз.

У Ундан ўзга илоҳ йўқ бўлган Аллоҳдир, Маликдир, Қуддусдир, Саломдир, Муъминдир, Муҳайминдир, Азиздир, Жаббордир, Мутакаббирдир. Аллоҳ улар ширк келтираётган нарсалардан покдир.

Аввалги оят каби, бу ояти карима ҳам Аллоҳ ваҳдониятининг исботи ила бошланган ва У Зотнинг бир неча исмларини эслатмоқда, жумладан:

Малик – ҳақиқий Эгадир, Ундан ўзга эга йўқ. Шунинг учун бандалар фақат Унга қул бўладилар. Ҳеч вақтда бир қулга икки хожа бўлмайди. Шунинг учун инсонлар ўзларига ўхшаган инсонларга эмас, балки ягона Яратганга,

ҳақиқий Эгага қул бўлишлари лозим.

Қуддус – барча айблардан холи, нолойқ сифатлардан пок. Мутлақ муқаддаслик ва мутлақ поклик Аллоҳ таолонинг Ўзигагина хосдир.

Салом – нуқсонлардан саломат, шунингдек, тинчлик-хотиржамлик ва роҳат берувчи Зот. Аллоҳ таоло «Салом» сифати ила бандаларга тинчлик, омонлик, хотиржамлик ато қилади.

Муъмин – иймон ва омонликни берувчи.

Муҳаймин – ҳамма нарсани қамраб олувчи, яъни Аллоҳ таоло бандаларнинг барча ҳолатларининг гувоҳи бўлиб туради, Ундан ҳеч нарса махфий қолмайди.

Азиз – барчанинг устидан Ғолиб.

Жаббор – олий қадар, улуғ, Унинг олдида ўзгалар ўзини хор тутари.

Мутакаббир – кибриёси ва улуғлиги муболағали Зот.

Ушбу баркамоллик сифатларига эга бўлган айбсиз Зот мушрикларнинг Унга ширк келтиришидан ҳам покдир.

У Аллоҳдир, Холиқдир, Бориъдир, Мусоввирдир. Энг гўзал исмлар Уникидир. Осмонлару ердаги барча нарсалар Уни поклаб ёд этадилар. Ва У ўта иззатлидир, ўта ҳикматлидир.

Суранинг ушбу сўнгги оятида Аллоҳнинг яна бир неча сифатлари ҳақида сўз боряпти. Хусусан:

Холиқ – яратувчи.

Бориъ – йўқдан бор қилувчи.

Мусоввир – махлуқотларнинг суратини шакллантирувчи Зот.

Дунёдаги барча чиройли исмлар Аллоҳникидир. Ҳадиси шарифда Аллоҳ таолонинг тўқсон тўққизта чиройли исми зикр қилинган. Осмонда бўлсин, ерда бўлсин, дунёдаги барча нарсалар Аллоҳ таолони поклаб ёд этади, лекин биз уларнинг тасбеҳларини тушунмаймиз. Аллоҳ Ғолибдир ва Ҳакийм – барча ишларни ҳикмат билан қилувчи Зотдир.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Маъқал ибн Ясордан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Кимки тонг чоғи уч марта «Аъузу биллаҳис-самийъул алийм минаш шайтонир рожийм» деса ва «Ҳашр» сурасининг охирги уч оятини ўқиса, Аллоҳ таоло саловот айтадиган етмиш минг фариштани унга вакил қилиб қўяди. Агар ўша куни вафот этса, шаҳид кетади. Кимки кеч кирганда ўқиса, худди ўша мартабага эришади», – деб марҳамат қилганлар.

"Тафсири ҳилол" китобидан